

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 5 ноябрь, № 215 (5382)

Шанба



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2011 йилнинг 1 декабидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,1 баравар оширилсин.

2. 2011 йилнинг 1 декабидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам: иш ҳақи — ойига 62 920 сўм; ёшга доир пенсиялар — ойига 123 060 сўм; ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 62 920 сўм; болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 123 060 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 75 510 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгиланган кўйилсинки, иш ҳақига қўшилидиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2011 йилнинг 1 декабидан бошлаб мақзур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мақзур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2011 йилнинг 1 декабидан бошлаб мақзур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 июлдаги ПФ-4332-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2011 йилнинг 1 декабидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

8. Мақзур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2011 йил, 3 ноябрь.

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ахборот соҳасини ислоҳ қилишнинг муҳим омилидир

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонун нормаларини такомиллаштиришнинг долзарб масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, юртимизда оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидagi ўрни янада мустақамлаш, тегишли қонунчилик пойдеворини такомиллаштириш, фуқароларнинг сўз эркинлиги ва танлаш эркинлигини таъминлаш, шу асосда уларнинг конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқроқ рўйбга чиқариш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг Мамалякамизда демократик ислоҳотларни янада қучуллаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида билдирилган тақлиф ва ғоялар, хусусан, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари соҳа тараққиётини янги босқичга олиб чиқиши

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазибалар

қурилиши тизимида кенг фойдаланиш алоҳида устуворлик касб этмоқда. Дарҳақиқат, бугун республикамизда телекоммуникациялар тармоғи изчил равишда такомиллаштирилмоқда. Кейинги йилларда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиоахборот тармоғи тарқатиш йўлга қўйилгани, айни чоғда маҳаллий телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга эканлиги, телерадиоканалларимизга томонидан тайёрланаётган қўрсатув

ахборотга бўлган эҳтиёжларини тўлақонли қондиришга хизмат қилиши кайд этилди. Табиийки, бугунги кунда телекоммуникация ва ахборот-коммуникация технологияларининг жадал тараққиёти топиши янги хизмат турларини вужудга келтирмоқда. Бу эса истеъмолчилар, жумладан, давлат бошқаруви эҳтиёжлари ҳамда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича замонавий моделларнинг жорий этиш имконини яратди. Демак, тармоқда ҳужалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатлар



Пахта толасидан тайёрланган либослар сифатли ва бежиримлиги билан ажралиб туради. Шу боис бундай маҳсулотларга нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам талаб катта. Истиқлол йилларида мамлакатимизда тўқимачилик саноатининг изчил тараққиёти эшиги билан пахта хом ашёси қайта ишланиб, ундан кўплаб турдаги тайёр ва яримтайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ВА САМАРАДОРЛИК

Ўз навбатида, хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик алоқалари мустақамлаш, истиқболли лойиҳаларни босқичма-босқич амалга оширишга киришилди. Пировадидида юртимиз ишбилармонлари томонидан тайёрланаётган импорт ўрнини босувчи ва экспорт-боп маҳсулотлар маҳаллий ҳамда чет эллик харидорлар эътиборига тушиб улгурди.

Қарши шаҳридаги «Cotton Road» қўшма корхонаси ҳам дастлаб ўз фаолиятини пахта толасидан калава ип ва ярим-тайёр ма-толлар ишлаб чиқариш билан бошлаган эди. Кўп ўтмай, бу ерда кенг кўламли модернизация тадбирлари амалга оширилди. Корхона хорижий илғор технология-

лари билан жиҳозланди. Натижада шу даврга қадар хом ашё сифатида экспорт қилинган калава ипни шу ернинг ўзидан қайта ишлаб, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Маҳаллийлаштириш дастури асосида корхона қўшида ташкил этилган тикувчилик цехида тайёрлана-

Модернизация

(Давоми 2-бетда).

ПРЕЗИДЕНТ АСАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Президентимиз Ислам Каримовнинг истиқлолнинг 20 йиллик байрами арафасида нашр этилган «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоби мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, социал-маданий ҳаётида, чунончи, мустақил давлатчилигимиз тарихини чуқур ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда жойларда мақзур асарнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш бўйича турли учрашувлар, давра суҳбатлари уюштирилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан ташкил этилган давра суҳбати

аҳамиятини кенг тарғиб қилишга бағишланди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, тарихчи олимлар ҳамда сиёсатшунослар иштирок этган мақзур тадбирда сўзга чиққанлар Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоби истиқлолга эришишнинг машаққатли йўли,

(Давоми 2-бетда).

Истиқлол туфайли юртимизда маънавий, диний қадриятларимиз тикланиб, уларнинг ривожланиши учун кенг йўл очиб берилди.

ҚАДРИЯТЛАР ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ

Бу борада муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий меросимизни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли ўртасида ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибатни мустақамлаш, ёш авлод

(Давоми 2-бетда).

Дил сўзи

қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Истиқлол туфайли қайта тикланган ва кенг нишонланаётган тармоқларимизни такомиллаштиришнинг муҳим шартларидан бири бу борада бекиёс аҳамиятга эга.

Юртбошимизнинг шу йил 31 октябрдаги «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, бугун юртимизнинг барча ҳудудларида Қурбон ҳайитини халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтказишни таъминлаш юзасидан қизгин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, кўчалар, маданий-маърифий тадбирлар ўтказилган майдонлар, маҳалла гузарлари, зиёратгоҳ, қабристон, масжидлар, археологик ёдгорлик мажмуаларида тозалаш, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ВЕНГРИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг тақлифига биноан Венгрия Республикасининг Президенти Пал Шмитт 2011 йил 6 — 8 ноябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Венгрия Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини қучуллаштиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН — ВЕНГРИЯ: ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҚАМЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси билан Венгрия Республикасини кўп йиллардан буйён ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлик ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш тамойилларига асосланган мустақам дўстлик ва ҳамкорлик ришталари боғлаб туради.

Венгрия Европа Иттифоқининг иқтисодиёти изчил ривожланаётган давлатларидан. Мамлакатда машина-созлик, алоқа воситалари, ўлчаш асбоблари, дастгоҳлар ишлаб чиқариш, кимё, фармацевтика, металлургия, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати ривожланган.

Венгрия Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 26 декабрь кунини тан олган. Кўп ўтмай, 1992 йил 3 март кунини мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилди ва шу билан икки

Давлатимиз раҳбарининг Венгрияга амалга оширилган расмий ташрифи алоҳида тўхталиш жоиз. Ушбу ташриф чоғида Венгрия Президенти, Бош вазири, Давлат Мажлиси Раиси, Будапешт шаҳри мэри билан самарали музокаралар ўтказилди, шунингдек, Венгрия ишбилармон доиралари билан учрашув бўлди. Ўзбекистон — Венгрия муносабатларини мустақамлаш йўлидаги хизматларига бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга Будапешт шаҳрининг рамзий қалити тантанали равишда топширилди.

БМТнинг 2010 йил сентябрь ойида Нью-Йоркда бўлиб ўтган Мингилик ривожланиш мақсадларига бағишланган саммити доирасида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва Венгрия Президенти Пал Шмитт ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Томонлар ўзаро муносабатларнинг ҳолати ва уни кенгайтириш истиқболлари юзасидан фикр алмашдилар.

Венгрия ташқи ишлар вазири К. Гёнцнинг 2008 йил ноябрь ойида мамлакатимизга ташрифи чоғида бўлиб ўтган учрашув ва музокаралар жараёнида томонлар икки томонлама муносабатлар, минтақавий ва халқаро юзасидан фикр алмашишга, шу жумладан, бу борада Ўзбекистон ва Венгрия ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказишга бўлган муштарак интилишларини намойён этдилар.

Венгрия ташқи ишлар вазири К. Гёнцнинг 2008 йил ноябрь ойида мамлакатимизга ташрифи чоғида бўлиб ўтган учрашув ва музокаралар жараёнида томонлар икки томонлама муносабатлар, минтақавий ва халқаро юзасидан фикр алмашишга, шу жумладан, бу борада Ўзбекистон ва Венгрия ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказишга бўлган муштарак интилишларини намойён этдилар.

Венгрия ташқи ишлар вазири К. Гёнцнинг 2008 йил ноябрь ойида мамлакатимизга ташрифи чоғида бўлиб ўтган учрашув ва музокаралар жараёнида томонлар икки томонлама муносабатлар, минтақавий ва халқаро юзасидан фикр алмашишга, шу жумладан, бу борада Ўзбекистон ва Венгрия ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказишга бўлган муштарак интилишларини намойён этдилар.

Венгрия ташқи ишлар вазири К. Гёнцнинг 2008 йил ноябрь ойида мамлакатимизга ташрифи чоғида бўлиб ўтган учрашув ва музокаралар жараёнида томонлар икки томонлама муносабатлар, минтақавий ва халқаро юзасидан фикр алмашишга, шу жумладан, бу борада Ўзбекистон ва Венгрия ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказишга бўлган муштарак интилишларини намойён этдилар.

(Давоми 2-бетда).

Сифатли тўқимачилик маҳсулотлари

Музработ туманидаги «Музработ нотўқима инвест» масъулияти чекланган жамиятида трикотаж матолар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Бунинг учун корхонага Германиянинг «Террот» компанияси билан тузилган шартномага мувофиқ, 168 минг евро қийматидаги серунум тўқимачилик ускуналари ўрнатилди.

— Дастгоҳлар тўлиқ компьютерлаштирилган, — дейди корхона раҳбари Эшбой Усмонов. — Уларни бошқариш учун малакали ишчи-мутахассисларни билиштирилди.

Жамоани ташкил қилган мажмуа билан биргаликда маҳсулотнинг 60 фоизи хорижга сотилапти.

Н. ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мухим аҳамиятга эга бўлган халқаро масалалар бўйича Ўзбекистон ва Венгриянинг қараш ҳамда ёндашувлари ўхшаш ва яқин экани ҳамкорликни, шу жумладан, Евроатлантика ва Ўрта Осиё минтақаларида хавфсизлик ҳамда барқарорликни мустақамлаш йўлида турли халқаро ташкилотлар (БМТ, ЕХТВ ва бошқалар) доирасида янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга кўмаклашувчи муҳим омиллардандир. Томонлар халқаро терроризм, трансмиллиий жиноятчилик, наркобизнес ва ноконуний қурол-яроғ савдоси каби таҳдидларга қарши курашда икки ва кўп томонлама ҳамкорликни мустақамлаш зарур, деган яқдил фикр-ни намоян этиб келмоқдалар.

Венгриянинг Европа Иттифоқи Кенгашига раислиги даврида (2011 йилнинг биринчи ярми) — жорий йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов расмий ташриф билан Брюсселда бўлди. Ушбу ташриф чоғида Европа Иттифоқи Комиссияси Президенти Ж. М. Барозо, Европа Иттифоқининг энергетика бўйича комиссари Г. Эттингер билан учрашувлар бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг Брюсселга ташрифи, шунингдек, ташриф доирасида ўтказилган учрашув ва музокара-ларда Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очди. Европа Иттифоқи томонидан "Европа Иттифоқи — Марказий Осиё" минтақаларо учрашуви ўтказиш ташаббуси билдирилгани ҳамда Тошкент шаҳрида жорий йил 7 апрелда ушбу учрашув Венгрия раислигида ўтгани мазкур ташрифнинг амалий натижаларидан бири бўлди. "Европа Иттифоқи — Марказий Осиё" учрашувида қатнашиш учун Венгрия Республикаси ташқи ишлар вазири Я. Мартони мамлакатимизга ташриф буюрганини таъкидлаш жоиз.

Ушбу ташриф доирасида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва Венгрия Республикаси ташқи сийёсат мақома-лари ўртасидаги сийёсий маслаҳатла-шувларнинг учинчи давраси бўлиб ўтди.

Маслаҳатлашувлар якунида икки давлат ташқи ишлар вазириликларининг Ўзбекистон — Венгрия ҳамкорлигини янада ривожлантириш тўғрисидаги кўшма баёноти имзоланди.

Ўзбекистон билан Венгрия ўртасида парламентларо ҳамкорлик ҳам муваффақиятли ривожланмоқда. Тошкентда 2011 йил 22-23 апрель кунлари бўлиб ўтган "Ўзбекистонда демокра-

лик ва муассасаларида қатор учра-шувлар, шунингдек, Ўзбекистон — Венгрия бизнес-форуми ўтказилди.

Тошкент шаҳрида 2010 йил май ойида Венгрия компания ва фир-ма-лари вакиллари иштирокида Ўзбеки-стон — Венгрия бизнес-форуми ташкил этилди. 2011 йилнинг апрель ойида эса ана шундай тадбир Будапештда ҳам бўлиб ўтди.

сармовий ва кооперация ҳамкорли-ки диверсификация қилишдан икки то-мон ҳам бирдек манфаатдордир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда вен-гриялик инвесторлар иштирокидаги 7 корхона фаолият кўрсатмоқда, улар-нинг 5 таси кўшма корхона бўлса, 2 таси тўлиқ Венгрия капитали асоси-да ташкил этилган. Ўзбекистон Рес-публикаси Ташқи иқтисодий алоқалар,

лик мустақамлашиб бораётганидан яна бир далолатдир. Асли Марказий Осиёдан бўлган Мулла Содиқ Венгрия илмий доиралари ўртасида катта хур-мат ва эътибор қозонган эди. У Вен-грия Фанлар академиясининг Шарқ кўлэмалари бўлимида ишлаган пайт-лари венгрияликларга ўзбек ва бошқа туркий тиллардан сабоқ берган.

Мулла Содиқ Венгрияга XIX аср-нинг 60-йилларида машҳур венгер шарқшуноси ва сайёҳи Армин Вамбе-ри билан бирга борган. Улар Хивада танишишган ва Мулла Содиқ Армин Вамберига юртимиз шаҳар-кишлоқ-лари бўйлаб саёҳати чоғида ҳамроҳ-лик қилган. Венгер олими ўз изланиш ва тадқиқотлари натижаларини "Бухоро ёхуд Трансоксания тарихи", "Ўрта Осиёга саёҳат" каби асарларида ёзиб қолдирган. Ушбу асарлар минтақамиз тарихини ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қилмоқда.

2000 йилнинг март ойида Венгрия Кураш федерацияси, шунингдек, иш-билармон ва сийёсий доиралар вакил-лари делегациясининг Қашқадарё ви-лоятига ташрифи чоғида Венгриянинг Китоб шаҳри ўртасида ҳамкорлик ало-қаларини йўлга қўйиш ҳамда спорт со-ҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олинди. 2003 йил июнь ойида Будапешт шаҳри мэри Г. Демс-ки мамлакатимизда меҳмон бўлиб, Тошкент ва Будапешт шаҳарлари маъ-муриятлари ўртасида ҳамкорликка оид битим имзоланди.

2009 йилнинг январь ойида Вен-грия дзюдо ассоциацияси президенти Л. Тот Ўзбекистон Республикасининг Венгрия Республикасидаги Фахрий консули этиб тайинланди.

Ўзбекистон билан Венгрия улкан са-лоҳият ва халқларимизнинг бой маъ-навий меросини ҳисобга олган ҳолда, кўплаб соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, худудлар ва шаҳарлар ўртасида алоқаларни кен-гайтириш, шунингдек, мамлакатлари-миз ўртасидаги дўстлик ришталарини мустақамлаш тарафдоридир.

«Жаҳон» АА.

ПРЕЗИДЕНТ АСАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ватанимиз мустақиллигини қўлга ки-ритиш, уни мустақамлаш ва янги та-раққиёт модели асосида ривожланиш жараёнларини батафсил ёритиб берган-лигини алоҳида қайд этишди. Шу боис мазкур китобнинг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш лозимлиги таъкидланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республика-си Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова иштирок этди.

Қ. ХИДИРОВ.

Тошкент шаҳридаги Турин Политехника университетига ҳам мазкур китобнинг ма-змун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Адлия вазирлиги томонидан уюшти-рилган ушбу анжуманда Ўртбошимиз китоби мустақилликка эришиш даврида-ги тарихий воқеаларни, ижтимоий-соци-ал жараёнларни чуқур ва холис ўрга-нишда муҳим манба эканлиги таъкидлан-ди. Айниқса, китобда акс эттирилган та-рихдан қисқа даврда давлатимиз эриш-ган ютуқ ва муваффақиятлар, халқимиз ҳаётида янгилик ва ўзгаришлар, бо-сиб ўтилган гоғат мураккаб ва шарафли мустақил тараққиёт йўлида қандай си-нов ва машаққатлар енгиб ўтилганлиги ҳақидаги маълумотлар ёшларда ватан-парварлик туйғуларини мустақамлаш-да долзарб аҳамиятга эга эканлиги айтиб ўтилди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати.

ҚАДРИЯТЛАР ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Барча эзгу ниётларимиз, орзу-умидли-рининг амалга ошмоғи тинчлик-хотир-жамлик деб аталмиш бебаҳо неъматга боглиқдир. Яратганга беадаб шукроналар айтганимиз, юртимизда ана шундай бар-қарор осудалик ҳукмрон. Давлатимиз раҳ-бари томонидан олиб борилаётган оқило-на сийёсат тўғрисидаги бундан юртимизда тили, дини, миллати, irqидан қатъи назар, бар-ча фуқароларнинг эмин-эркин ўқиш, иш-лаш, эътиқод қилишлари учун шарт-шар-оитлар яратилган. Бинобарин, миллий қадриятларимизга асосланган диний байрамларимизнинг кўтаринки кайфиятда нишонланиши ҳам баайни осуда ва фаровон ҳаётимизнинг нашидасидан дарақ беради. Шу маънода, Қурбон ҳайитини ҳар қанча шоду хуррамлик ила ўтказсак, арзийди.

Айни пайтда байрам арафасида уюшти-рилаётган турли тадбирлардан кўзланган мақсад, аҳоли, айниқса, ёшларни бой маъ-навий меросимизни асл ҳолча асраш ва келажак авлодларга етказиш йўлида ма-млакатимизда амалга оширилаётган ҳайрли ишлар билан яқиндан таништириш, ёш ав-лодни миллий қадриятларга эҳтиром руҳи-да тарбиялашдир. Зеро, азаллий қадрият-лар эъзозланган юртдан ҳайру бақад ари-магай, иншооллоҳ.

Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ, Тошкент шаҳридаги «Хўжа Аламуллоҳ» жоме масжиди имом хатиби.

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

ахборот соҳасини ислоҳ қилишнинг муҳим омилдир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бинобарин, қабул қилинадиган қонунда теле-коммуникация тизимини иқтисодий жи-ҳатдан либераллаштиришга қаратилган меъёрлар ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси-нинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси-даги фракцияси аъзоси Д. Холиқованинг айтишича, "Телекоммуникациялар тўриси-да"ги Қонуннинг такомиллаштирилиши аҳоли барча қатламларига соҳа хизматла-ридан бекумул фойдаланишда кўплаб қулайлик яратди.

— Бу борадаги ҳуқуқий механизмларни ҳозирги давр талабларига уйғунлаштириш пировардида давлат ва жамият бошқару-вида телекоммуникация тармоқларидан янада самарали фойдаланишни таъминлаб бе-ради, — деди у. — Қолаверса, қонунда фуқаро ва ташкилотларга давлат интерфакс хизмат-ларини кенг татбиқ этишга алоҳида эъти-бор қаратиш лозим. Зотан, бу давлат ҳоким-ияти ва бошқаруви органлари шафқофли-ги принципларини амалга ошириши ҳамда ахборот олиш кафолатлари очкилиги ва тенг ҳуқуқчилигини таъминлайди.

— Бугунги кунда миллий тараққиёт суръ-атларини мунтазам юксалтириб боришда за-монавий телекоммуникациялар катта аҳамия-тга эга, — деди Ўзбекистон "Миллий тик-ланиш" демократик партиясининг Олий Маж-лис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Ш. Дехқонов. — Бунга амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш асо-сида эришилади, албатта. Таъкидлаш ло-зимки, интернет тармоғи миллий сегменти-нинг домен номларини тартибга солиш,


ҳисобга олиш ва улардан фойдаланишнинг назорат қилинишни таъминлаш, шунингдек, сертифицилаштириш каби йўналишларга оид тегишли нормаларга ўзгартишлар ки-ритиш бугунги кун талабларига тўла уйғун-дир. Буларнинг барчаси юртимизнинг бой миллий анъаналари, маданий-маънавий дурдоналарини илғор ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида дунёга янада кенгрок олиб чиқишга имкон беради.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Р. Гайимо-ванинг фикрича, соҳа қонунчилигини янада мустақамлашда "телекоммуникациялар тармоғи", "охирги (терминал) асбоб-уску-налар", "телекоммуникация оператори" ту-шунчаларига аниқлик киритиш, шунингдек, уни "Интернет жаҳон ахборот тармоғи" ва "домен номи" каби янги атамалар билан бойитиш лозим.

— Умуман олганда, соҳага оид ҳуқуқий негизни такомиллаштириш замонавий теле-коммуникация технологияларини фаол жорий этиш, ахборот-коммуникация техно-логиялари ва кенг доирали алоқа тизимла-рини жадал ривожлантириш, телерадио-эшиттириш соҳасида янги технологиялар-нинг босқичма-босқич ўзлаштирилиши ва амалиётга татбиқ этилиши учун қулай шарт-шароитлар яратди, — деди у.

Давра суҳбатиде бу борадаги модерни-зация жараёнлари тармоқни янада юксал-тириш, аҳолининг ахборот олиш ҳуқуқи ва эркинликларини кенг таъминлашда айни мудида бўлишига уруғ берилди. Унда му-ҳома этилган масала юзасидан қўмита-нинг тегишли қарори қабул қилинди.

Саиджон МАХСУМОВ.



ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР ВА САМАРАДОРЛИК

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Корхонамизда илгари 350 нафар ишчи-мутахассис фаолият юритган бўлса, эндиликда 750 нафар киши иш билан банд, — дей-ди кўшма корхона бош муҳандиси Зикрилло Абдуллаев. — Ҳозир бу ерда габардор, поплнм ва са-тин каби матолардан ўнга яқин турдаги кийим-кечаклар ишлаб чи-қаришмоқда. Шунингдек, матолар-ни буюш чеги модернизация қили-ниб, замонавий "Джиггер" даст-гоҳи ўрнатилган, иш самарадор-лиги орттириш баробарида, сарф-харажатлар тежаланишига эришил-ди. Ҳозир матоларни ушбу цех-нинг ўзида замонавий услубда бў-ш, дазмоллаш ва кийим-кечак

учун тикувчилик цехига узлуксиз узатувчи конвейер тармоғи шакл-лантирилган. Тикувчилик цехида эса 210 нафар ишчи ва мутахас-сис фаолият юритаётир.

Таъкидлаш лозимки, мамлака-тимизда пахта толасини ипга ай-лантиришдан тортиб, ундан газ-лама ва тайёр маҳсулот ишлаб чи-қаришгача бўлган жараёнларни комплекс тарзда амалга оширув-чи корхоналар санокли эди. Кейинги йилларда хоржий ҳам-корлар билан ўзаро манфаатли алоқалар мустақамлашни тўғрй-ли эса улар сафи кенгайиб, экс-портбоп маҳсулотлар тайёрлаш ҳажми тобора ортиб бораётти.

"Cotton Road"да ҳам маҳсу-лотларнинг янги турларини

ўзлаштириш, иш самарадорли-гини ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш борасида амалга оширилаётган чора-тад-бирлар эътирофга лойик. Хусу-сан, кўшма корхона фаолияти-ни янада кенгайтириш мақсади-да Шаҳрисабздаги бўш турган бинода қўшимча тикувчилик цехи ташкил этилиб, 18 киши-нинг иш билан бандлиги таъ-минлангани ва йил охирига қадар уларнинг сонини 50 на-фарга етказиш кўзда тутилган бунинг яққол тасдиғидир.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири. Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

Навоий — мамлакатимизнинг қорақўлчилик ривожлан-ган энг йирки воқаларидан бири. Вилоятнинг Томди, Конимех, Нурота ва Учқудуқ туманлари қишлоқ ҳўжалиги-нинг мазкур тармоғига иқтисослаштирилганининг ўзйёқ ана шундан далолат беради. Бу ерда этиштирилаётган қорақўл терилари нафақат юртимизда, балки чет элларда ҳам жуда машҳур, уларга нисбатан талаб эса жуда юқори. Сабаби, бундай бебаҳо маҳсулотларни дунёнинг бошқа еридан то-пиш амри маҳол. Кўпчилик бунинг сирини Қизилқум кенгликларининг қорақўл-чилик учун қулайлиги билан изоҳлайди. Эҳтимол, шун-дайдир. Лекин муваффақи-ятнинг асл сабаби саҳрони ўзларига Ватан билиб, чўпон таёғини ташламай, матонат ва сабот кўрсата-ётган чорвадорларнинг фи-докорона меҳнатларидир.

— Ота-боболаримиз чорвадор бўлишган. Отадан ўйилга ўтиб келаятган чўпон таёғимиз, мана, бугун менинг қўлимда, — дейди Ўзбекистон Қарҳамони Серикбой Сагатов. — Бу — жуда катта масъулият. Ахир бутун бошлиқ отарнинг увол-сабови бенинг бўйинида бўлади-да. Бунинг ма-шаққатини далада қўй боқиб қўрганлар яхши билади. Чорва-дорлар ҳақида гап кетганда, Президентимизнинг касбимиз қийинчиликларини қалбидан ўтказиб айтган қўйдаги сўзлар-ни ёдимга тушади: "Дунёда ҳар бир касбининг ўзига яраша қи-йинчилиги бор. Лекин йил бўйи дашту сахро кезадиган, қишининг

нинг яшаш тарзи, турмуш дара-жаси ижобий томонга ўзгарди. Айни пайтда туманда 316 миңг бош қўй-қўзи, икки миңг бош туя ва уч миңг бош от парваршила-наётгани, жорий йилнинг бирин-чи ярмида ўн бир миллиард сўмликдан зиёд қишлоқ ҳўжали-

САҲРОГА СОЧИЛГАН ДУРДОНА

чўпонлар меҳнати тўғрисида, иқтисодиётимиз ривожиде муҳим аҳамият касб этмоқда

қаҳратоню ёзнинг жазирамаси-га бардош бериб, керак бўлса, қўй-қўзисини барига босиб, жа-лаю дўндан асрайдиган чўпон-чўликлар меҳнатини ҳар қанча улугласак, арзийди". Дарҳақиқат, истиқлол йилларида биз, чўпон-ларнинг меҳнати қадрланиб, эъзоз топдик.

Қорақўл қўзлари Қизил-қумнинг қаҳратон қишию жазира-ма иссигига мослашган. Му-таҳассисларнинг айтишича, бу чўпонлар оқлик, сувсизликка чидамиллиги бўйича туюдан ке-йинги ўринда туради. Жозибадор териси, момикдай юнги ҳамда мазали гўшти эса ноёб ҳисобланади. Томдида мустақил-лик йилларида бу тармоқ жадал ривожланиб, туёқ сони кўпайди, уларнинг маҳсулдорлиги ортди. Энг муҳими, олис овулларда умргузаронлик қилаётган аҳоли-

ги маҳсулотлари етиштирилгани, аҳолига 5,7 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилгани, 7,25 мил-лиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилгани бунинг яққол далилидир.

Таъкидлаш ке-ракки, истиқлол йилларида янгидан барпо қилинаётган туман мар-кази тобора қурмак қиёфа касб этаяпти. Бу ерда қад ростилаёт-ган замонавий биналар, ижти-моий соҳа объектлари чўл бағрини том маънода бўстонга айлантarmoқда. Айниқса, "Роҳат" массивида тикланаётган намуна-вий лойиҳалар асосидаги турар-жоилар унинг хуснига янада зеб беради.

Шу билан бирга, 3,3 кило-метрга табиий газ, 4,2 километр-га тоза ичимлик суви қувури тортилиб, асфальт йўллар ётқи-

да чакмон, оёқда чорик, ўтовда мойчиқроқ ёқиб ўтирардиқ.

Бугун-чи? Бу ерга келганлар тамомила бошқа манзаранинг гу-воҳи бўлишади. Чўпонлар илға-ри ўтовда яшаган бўлса, ҳозир ҳар бирининг отарида уй-жой, қўй-қўраси, сервис қудуғи бор.

— Мустақиллиқнинг дастлаб-ки йиллариданоқ оилавий пуд-ратга асосланиб иш юритилган-ни ўз самарасини берди, — дейди конимехлик чўпон Рустам Ирисов. — Манфаатдорлик-нинг ошиши ишга бўлган муно-сабатни ўзгартириб, мол чики-мининг кескин камайишига олиб келди. Масалан, шартно-ма шартларини бажарган, яъни чорвани беталафот парварши-лаган чўпон бригадаси уч фоиз микдориде муқофот олади. Бу уларнинг рўзғорига барака олиб кирди. Узимдан қиёс. Учта ма-ликинам — "Нексия", "Тико" ва "УАЗ"им бор. Ота-боболаримиз учун армон бўлган электр энер-гияси овулимизни чароғон этиб турибди. Чўпоннинг уйда те-левизор, радио, музлаткич, компьютер ишлаб турибди, қўйимизни сугориш учун қудуқ-

дан сувни мотор чиқариб бе-раятти. Чўпонга бундан ортқк яна нима керак?!

Қорақўлчиликда илмий асо-сланган ишланмалар қўлланла-ётгани тўғрисида маҳсулот сифа-ти ҳам тобора яхшиланмоқда. Айниқса, "Зармалла", "Ўзбеки-стон кумуш сури", "Сарибел сури", Конимех завод типлари-нинг харидори қўп.

— Масалан, "Ўзбекистон ку-муш сури" чўл ва яримчўл зона-ларига мослаштирилган бўлиб, иссиқликка чидамли, боз усти-га, тирик вазири бошқа тусдаги қўйларга нисбатан 2-3 кило-грамм оғир, — дейди Конимех туманидаги Абай номли наслчилик ширкат ҳўжалиги раис-и, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжа-лиқ ходими Мустафо Этамқулов. — Терисининг гул тузилиши ти-никлиги, пишиқлиги, ёрқин ран-ги, гулларининг жипслиги билан ажрალიб туради. Шунинг учун унга талаб ниҳоятда юқори.

Қорақўл қўз зотларини саҳронинг дурдонасига қиёсла-шади. Чиндан ҳам шундай. Кенгликларга сочилган бу бой-лик фарзандлари — чўпон-ларнинг фидокорона меҳнатлари тўғрисида тобора кўпайиб, мустақил мамлакатимизнинг иқтисодиётини мустақамлашга хизмат қилмоқда.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

24 соат ичида

Берлинда банк компьютер тизimini бузиб кириб, катта миқдорда маблағ ўзлаштирган хакерлар гуруҳининг олти нафар аъзоси қўлга олинди.

Хакерлар гуруҳи қўлга олинди

Маълумотларга қараганда, киберхиноятчилар бунгача камидан икки йил фаолият юритишган ва ушбу даврда 1,3 миллион еврога тенг маблағни ўғирлашган.

Йўловчиларга зиён етмади

Сиднейдан Лондонга парвоз қилаётган, "Qantas" авиакомпанияси (Австралия)га қарашли "А380" самолёти Дубайга фаваққолда қўндирилди.

Газланган сув таъсири

Мельбурндан кўп газланган сув ичадиган ўсимирлар келгусида жаддор бўлиб қолишлари мумкин экан.

АҚШнинг Вермонт университетининг профессори Сара Солник раҳбарлигида 14 ва 18 ёшлилар иштирокида ўтказилган тадқиқотлар якунида ана шундай хулосага келинди.

Қондаги кўнгилсиз воқеа

Хитойнинг Хэнань музофотидаги қонлардан бирида юз берган кўнгилсиз ҳодиса оқибагида тўрт киши ҳаётдан кўз юмди.

Яна 57 нафар ишчи эса ер остида қолиб кетган. Фожия юз берган вақтда қонда 75 киши бўлган. Қўрилган теъкор чора-тадбирлар натижасида улардан 14 нафари қутқариб олинган.

Ўта сезгир ҳашарот

Ўргимчак топкирлик ва сезгирлик борасида суваракдан кейин иккинчи ўринда турадиган ҳашарот ҳисобланаркан.

Австриянинг Вена университети тадқиқотчиси Фридрих Бартнинг фикрига кўра, унинг панжаларида уч мингдан зиёд турли сезги аъзолари мавжуд.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2009 — 2011 йилларда балиқчилик тармоғини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар Дастури"ни ҳаётга жорий этиш борасида Сирдарё вилоятида бирмунча ижобий ишлар бажарилмоқда.

Балиқчилик — етти ҳазинанинг бири, — дейди вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси етакчи мутахассиси Фазлиддин Норматов. — Чунки балиқ энг тез кўпаядиган, камхарж, айни пайтда инсон сихати учун зарур неъматлардан.

Бугунги кунда вилоятда балиқчиликка ихтисослаштирилган 105 та фермер хўжалиғи фаолият кўрсатмоқда. Шундан 37 таси табиий сув ҳавзаларида, 68 таси сунъий ҳавзаларда ташкил этилган бўлиб, умумий майдони 6076 гектардан иборат.

Вилоятда ўтган йили 250 тонна балиқ етиштирилган бўлса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида бу миқдорни қарийб уч хиссага кўпайтириш, эл дастурхонига 660 тоннадан зиёд балиқ маҳсулотларини етказиб бериш чора-тадбирлари кўрилади.

Жорий йилнинг биринчи ярмида Давлат дастури доирасида 27 та ўрнига 33 та янги балиқчилик фермер хўжалиғи ташкил қилинди, — дейди директор қишлоқ ва сув хўжалиғи бошқармаси чорвачилик бўлими бошлиғи Қурбон Қўрғонов.

Бу хўжаликларнинг 4 таси табиий сув ҳавзаларида, 5 таси сунъий сув ҳавзаларида фаолият юритаётган бўлса, 24 та балиқчилик хўжалиғида 66 та интензив ҳовуз барпо этилган. Бунинг учун тадбиркорларнинг 692 миллион сўм, тижорат банкларининг эса 329 миллион сўмлик кредит маблағи йўналтирилди.

Меҳр тафти

Ёш авлодни соғлом ўстириш, баркамол шахс этиб тарбиялаш мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Муассасамиз фаолияти жисмоний ва ақлий ривожланишида нуқсонни бор, сурункали оғир хасталикка чалинган ўғил-қизлар, ота-она қарамонгисиз қолган болалар парварши билан шуғулланишга, уларга манзил хуқуқий ёрдам кўрсатишга йўналтирилган.

Марказимизда бир неча та бўлим бор. Масалан, ахборот-консалтинг хизмати бўлими мутахассислари турли хасталиклар билан оғриган болаларга ёрдам кўрсатиш, таълим масаласига мослашувини таъминлашда, энг аввало, уларнинг оилавий шароитини атрофлича ўрганиш

ди, касаллик сабабларини таҳлил этишдади. Шундан сўнг зарур муолажалар, даволаш машқлари ва машғулотлар тайинланади.

Хасталик боис феъл-атворида ўзгариш содир бўлаётган болалар билан ишлашда улар ёқтирган машғулотлар, интеллектуал ўйин ва ўйинчоқларга алоҳида аҳамият қаратилади.

Марказимизда мутахассислар иштирокида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ҳам бу борадаги ишлар самардорлигини оширишга хизмат қилаётди. Хусусан, изланишлар натижасида уч ёшгача бўлган болаларнинг ри

минлаш мақсадида вилоятда "Сирдарёпроминвест" хусусий корхонаси ташкил этилиб, бу ерда махсус донадор ем ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Балиқчилик хўжаликлари томонидан балиқ чавоқлари илгари бошқа ҳудудлардан олиб келинади. Бу эса ортиқча сарф-харажат талаб этарди.

Эндиликда мазкур муаммо бартараф этилди. Вилоятнинг ўзида балиқ чавоқлари етиштиришга ихтисослаштирилган 3 та фермер хўжалиғи ташкил қилиниб, улар томонидан вилоятдаги балиқчилик хўжаликлари

га махсулотларини етказиб берилади. Интенсив усулда балиқ ҳавзалари тайёрлаш учун 24 та лойиҳага 553,6 миллион сўм сарфланди. Бу йил сув ҳавзалари режадаги 600 минг дона ўрнига 1667 минг дона балиқ чавоқлари ташланди.

Али Зиёдов, «Халқ сўзи» мухбири.

Реклама ва эълонлар

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Навоий вилояти филиали

Бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Суд департаменти Навоий ҳудудий бошқармаси томонидан, Нурута тумани жиноят ишлари бўйича судининг 2010 йил 24 августдаги 1-107-сонли ижро варақасига асосан, Нематов Азизжондан давлат фойдасига хатланган, Навоий тумани, «Янги йўл» ҚФЙ, Мавлонбобо маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони — 4000,0 кв.м., фойдалани майдони — 600,89 кв.м., умумий майдони — 628,09 кв.м. бўлган А, Б, В, Г литердаги иссиқхона биноси.

Бошлангич баҳоси — 155 440 000 сўм. Аукцион савдоси 2011 йил 6 декабрь кун соат 11.00 да ўтказилади.

Ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Ушбу мулклар билан туман (шаҳар) суд ижрочилари билан жойига бориб танишиш мумкин.

Аукционда қатнашиш учун аризалар шанба ва яқшанба (байрамлар)дан ташқари ҳар кун соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилмадан закалат келишувига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатидан ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчисининг АТ «Ипотека-банк» и Навоий филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

Жиззах савдосига Суд департаменти Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан Жиззах вилояти хўжалик судининг 2006 йил 23 сентябрдаги 13-0508/11692-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Жиззах ун заводи» ХКга қарашли, Жиззах шаҳри, Навоий кўчаси, Д-10-йида жойлашган, «Жиззах ун заводи» ХКга тегишли 90 (тўқсон) хил турдаги мол-мулклар мажмуаси.

Бошлангич баҳоси — 2 986 272 000 сўм. Ташенг шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 22 июлдаги 10-1017/8132(4)-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Жиззах шаҳри, «Б» саноат ҳудудида жойлашган, «Sam araks» ШКга тегишли бир қаватдан иборат биналар мажмуаси (мамурий бино, бокс ва омборхонадан иборат).

Бошлангич баҳоси — 562 500 000 сўм. Жиззах шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Жиззах шаҳри, «А» саноат ҳудудида жойлашган, «Сохиқбирон Салтанати» МЧЖга тегишли, 1 092 24 кв.м.дан иборат мева-сабзавот омбори, 14 русумдан иборат ускуна ва жиҳозлар.

Бошлангич баҳоси — 636 567 458 сўм. Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Талабгорлардан ариза иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилмадан закалат келишувига асосан, объект бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатидан ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё минтақавий филиали ДАТ (ОАЖ) «Асака» банкнинг Сирдарё филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20 208 000 904 920 609 006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

Манзил: Гулистон шаҳри, Бизнес маркази биноси, 3-қават, 58-хона. Телефонлар: (8-367) 226-28-93, 226-38-91.

Манзил: Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 39-уй. Телефон: (8-372) 222-35-77.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сирдарё минтақавий филиали

Бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очiq аукцион савдосига таклиф этади!

2011 йил 9 декабрь кун соат 14.00 да Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов шоққўчаси, 39-уй, мажлислар залида бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Суд департаменти Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси суд ижрочилари бўлими томонидан қўйидаги кўчмас мулклар савдога қўйилмоқда.

МЕХР ТАФТИ

вожланиш ҳолати аниқланиб, ташхис қўйишининг самарали усуллари ишлаб чиқилди.

Яхши хабар

Ўрта Чирчик туманидаги «Матлуботинвест» маъсулияти чекланган жамияти савй-ҳаракати билан нон ва нон маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослаштирилган янги чех фаолияти йўлга қўйилди.

Дастурхон файзи

Корхонани замонавий технология билан жиҳозлаш учун жамият томонидан 153 миллион сўм йўналтирилди.

Миллий каштачилик намуналари

қўллаб хорижий давлатлар музей ва галереяларининг кўркига айланмоқда

Ғидудов туманига кираверишда миллий каштачилик тарихи музейи бор. Ушбу масканнинг ўзига ҳослиги шундаки, бу ерда ўзбек каштачилигининг бир неча юз йиллик тарихидан ҳикоя қилувчи ноёб буюмлар, мато ва табиий ранг-бўёқлар сақланади.

Фахр

Оддий қишлоқ аёллари тиккан ва нафақат юртимиз, балки чет элларда ўтадиган халқаро танловларда ҳам дунёни лол қолдираётган, сайёҳларни Ғидудов томон чорлаётган каштаю сўзаналарнинг сирини маида? М. Нарзуллаеванинг эътирофида, каштабоп матолар тўлиқ пахта то-

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан тақдим этилиб, «Халқ сўзи» газетасининг 2011 йил 29 октябрдаги 210 (5377)-сонда чоп этилган хабарнома билан «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг аукцион савдосига чиқарилган, Мирзо Улуғбек тумани, Бинокор кўчаси, 45-уйда жойлашган, умумий майдони 63,45 кв.м. бўлган уй аукцион савдосидан олинганлигини маълум қилади.

Савдодан олишга асос: Мирзо Улуғбек тумани СИБнинг 2011 йил 2 ноябрдаги 8351-54/10-сонли ҳати.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Коракамши кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-80-26.

«Халқ сўзи»га ЭЪЛОНЛАР қабул қилинади.

9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25.

Тиришқоқлик — спортчиларга хос фазилат. Зеро, она-Ватан шарафини халқаро ареналарда муносиб ҳимоя қилиш, галаба сари астойдил интилиш ҳар бир спортчи учун катта шараф ва масъулият бўлиши баробарида, алоҳида матонатни ҳам талаб этади.

ИРОДА, МАҲОРАТ ВА ИМКОНИЯТ



Таэквондо бўйича икки карра Ўзбекистон чемпиони Гулбахор Аҳмедованинг ҳаётдаги шиори шундай. У болалигидан спорт билан яқин дўст тулган, унинг сеҳрли оламида улғайган. Отаси, Косоннинг номдор полвонларидан бири — Ғайрат Рустамов ҳам фарзандида спортга бўлган ҳавас ва машғулотларда қатнашиш иштиёқи борлигини тезда пайқайди. Шунинг учун ҳам чаққонлиги билан тенгқурларидан ажралиб турувчи Гулбахорнинг спортнинг таэквондо тури билан шуғулланишига монелик қилмади.

— Спортга бўлган қизиқишим отам туфайли уйғонган, — дейди Гулбахор. — У кишидан спортни севишни ва кунт билан машқ қилишни ўргандим. Ун икки ёшимдан бошлаб устозим Сайёра Зухриддинова мураббийлигида таэквондо сирларини ўрганишга астойдил киришдим.

— Гулбахор интилувчан шогирдлар

римдан, — дейди Сайёра Зухриддинова. — Менга унинг иродалилиги ёқди. Бунга бир мисол: ўтган йили Россияга мусобақага кетишимиздан ўн кунча олдин Гулбахор тиззасидан жароҳат олди. Ваҳолонки, у тинмай машғулотларга қатнашган, ҳатто ўзи ҳам мустақил шуғулланишни канда қилмаганди. Аммо жароҳати боис уни мусобақага олиб кетмасликка қарор қилдик. Шунда у "Бораман", деб туриб олди. Шифокорлар ҳам унинг шаштини кўриб "Эҳтиёткорлик билан қатнашин", дейишди. Ўша мусоба-

Эътибор

қада биз умумжамоа ҳисобидан учинчи ўринни кўлга киритдик. Гулбахор эса "Энг кучли техникага эга спортчи" сифатида эътироф этилди.

...Спортда ҳамиша галаба ва мағлубият ёнма-ён юради. Халқимизда ҳам елкаси ер кўрмаган полвон ҳақиқий полвон эмас, деган гап бежизга айтилмаган.

Гулбахор ҳам ўзи иштирок этган дастлабки мусобақаларда бир неча бор мағлубиятга учраган. Аммо у руҳини туширмади. Аксинча, ўз устида янада кўпроқ ишлади. Тинимсиз меҳнат ва машғулотларда тўпланган маҳорат ўз самарасини бермай қолмади. У ўн уч ёшида Ғузорда бўлиб ўтган туман очик чемпионатида учинчи ўрин-

ни кўлга киритди. Шундан кейин унинг муваффақиятлар серияси бошланди. Жумладан, 2006 йилда Ўзбекистон чемпионатида қатнашиб, кумуш медаль соҳибаси, 2008 — 2009 йилларда эса таэквондо бўйича ташкил этилган мамлакат биринчиликларида голиб бўлди. Ҳозир ун етти ёшга тўлган та-

эквондочи қиз мусобақаларда 14 та олтин, 5 та кумуш ва 3 та бронза медалини кўлга киритган. Аммо у бу билан чекланиб қолмоқчи эмас. Унинг мақсади Осиё, жаҳон чемпионатлари ва Олимпиада ўйинларига юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишдир.

— Ёшлигимизда бундай шароитлар қаерда эди? — дейди Ғайрат Рустамов қизининг ютуқларидан фахрланиб. — Ўша пайтда ҳеч ким бизга спортчи сифатида қарамаган. Тўйларда кураш тушиб юраверардик. Мустақиллик шарофати билан ёшларимиз учун кенг имкониятлар яратилди. Улар хоҳласа илм, хоҳласа спорт соҳасида катта ютуқларга эришишлари мумкин. Ана шундай дориламон кунларда, фарзандлар иқболини кўриб яшаш энг олий бахт эмасми?

Ҳозир Гулбахор Косон саноат коллежининг биринчи босқич ўқувчиси. Келажакда ҳуқуқшунос бўлмоқчи. Аммо спортни ҳам ташлаш нияти йўқ. Шу боис машғулот ва ўқушни бирдек олиб борапти.

— Сидқидилдан хоҳиш бўлса, вақт ҳам, имкон ҳам топилади, — дея таъкидлайди у.

Айтганча, Гулбахорнинг ютуқларидан руҳланган ўшлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу эса мамлакатимизда баркамол авлод тарбиясига қаратилмаётган юксак эътибор ўз самарасини бераётганининг ёрқин тасдиғидир.

Фозилдин АБИЛОВ.

ИЛК ҚАДАМ, ИЛК МУВАФФАҚИЯТ

Танлов

Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан ҳаваскор ёш ижодкорлар ўртасида ўтказилаётган фото ва киновидео асарлари кўрик-танловининг Бухоро вилояти босқичи якунланди.

— Бухорода ташкил этилган анъанавий "Ипак ва зираворлар" халқаро фестивалидан илҳомланиб, мазкур тадбир ҳақида ҳужжат-

ли фильм яратдим, — дейди кўрик-танлов иштирокчиси Бехзод Болтаев. — Шу ҳамда воб-кентлик таникли кулол Кубаро Бобоева ҳаёти

ва ижодига бағишланган "Ўбалик сеҳрлар" номли картинални танловга тақдим этгандим. Дастлабки ижодий изланишларим ҳайрат аъзолари томонидан юқори баҳоланди.

"Кўпқари" деб номланган туркум суратлари билан фотоасарлар

йўналиши бўйича голибликни кўлга киритган Шофиркон туманилик Хусниддин Атоев ҳамда Бехзод Болтаев энди танловнинг республика босқичида иштирок этади.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• Реклама ва эълонлар •

ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ

«САВДОГАР»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

2011 йил 3 ноябрда
Moody's Investors Service Ltd
Халқаро
рейтинг агентлиги

Ўзбекистон — Германия «Савдогар»
очик акциядорлик тижорат банки
рейтингини тасдиқлади.

Рейтинг бўйича прогноз «БАРҚАРОП»

СОҒЛОМ ТУРМУШ КАФОЛАТИ

Президентимизнинг 2008 йил 26 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, ОИТСга қарши кураш марказлари томонидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилади.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжат асосида барча маъмурий ҳудудларда ҳокимликлар, давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат махсус комиссия тузилди. Унинг асосий вазифаси — ҳасталик инфекцияси тарқалишига қарши курашни мувофиқлаштиришдир.

Ўтган давр мобайнида вилоятимизда бу борада қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Жумладан, вилоят ОИТСга қарши кураш маркази ва туманлараро диагностика лабораториялари учун 23 миллион сўмга яқин қийматдаги тиббий асбоб-ускуна-

лар олиб келинди. Клиник ва биохимик лабораториялар капитал таъмирланди. Бундан ташқари, ОИВ инфекцияси билан зарарланганларни аниқлаш ҳамда эпидемияга қарши тадбирлар учун бюджетдан катта маблағ ажратилиб, тест тизимлари харид қилинди.

Албатта, инсон ҳаёти учун жиддий ҳавф туғдириши мумкин бўлган оғир ҳасталикларнинг, энг аввало, келиб чиқишига йўл қўймаслик зарур. Бунинг учун кенг жамоатчилик орасида соғлом турмуш

тарзи тарғиботини кучайтириш, айниқса, ёшларнинг тиббий маданиятини юксалтиришга жиддий эътибор қаратиш лозим. Бугунги кунда мутахассисларимиз томонидан жойларда турли маънавий-маърифий тадбирлар, суҳбат ва мулоқотлар уюштирилмоқда.

Вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг маълумотига кўра, 2011 йилнинг ўтган даврида чет эл сафаридан қайтган 15 мингдан зиёд кишилар ОИВ инфекцияси бўйича тиббий текширувдан

ўтказилди. Афсуски, айни пайтда текширувдан ўтмаётганлар, аниқроғи, мутахассис ҳузурига келишдан бўйин товлаётганлар ҳам бор. Мана шундай тушунмовчиликларга барҳам бериш учун яқинда вилоят бўйича ОИВ инфекцияси ва унинг оқибатлари мавзuida йирик илмий-амалий анжуман ўтказилди. Саломатлик институтининг Самарқанд вилояти филиали, адлия бошқармаси, шаҳар ва туманлар ФХДБ бўлими мудирилари, тиббиёт бирлашмалари мутахассисларидан иборат вакиллар тақлиф этилган мазкур тадбирда никоҳланувчи шахслар ва чет эл сафаридан қайтган кишиларни тиббий кўриқдан ўтказиш масаласи муҳокама қилинди ва галдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Иснат ЖУМАЕВ,
Самарқанд вилояти
ОИТСга қарши кураш
маркази
бош шифокори.

Спорт

Нукусда спортнинг шотокан каратэ-до тури бўйича Ўзбекистон кубоги бахслари бўлиб ўтди.

Пойтахт вакиллари — пешқадам

Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 500 нафарга яқин ёш спортчилар иштирок этиб, "ката" ва "кумита" беллашувларида ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

Яқинда умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри вакиллари биринчи, Қорақалпоғистон Республикаси жамоаси иккинчи ва Наманган вилояти ёшлари учинчи ўринни эгаллади. Фолиблар диплом ва қимматбахо совғалар билан тақдирланди.

Х. АХМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

15 ноябрь

Қурилиш техникасининг кўرғазмаси

NEW HOLLAND CONSTRUCTION

FIAT INDUSTRIAL

www.uzcase.com
ucs@uzcase.com

Соат 10:00
Тел.: +(99871) 120 60 97
+(998 90) 968 11 75

Манзил:
Тошкент ш., Оҳангарон йўли, 2. Мўлжал: Роҳат кўли, «ЎзкейсМаш» ҚК.

ОБ-ҲАВО

(5 ноябрь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзғариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 0-5, кундузи 9-14 даража илқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёгингарчилик қузатилмайди. Ҳарорат тунда 4-9, кундузи 12-17 даража илқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзғариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 4-9 даража, кундузи 12-17 даража илқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ёгингарчилик қутилмайди. Кечаси 5-10 даража илқ, кундузи 14-19 даража илқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзғариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Тунда 2-7 даража, кундузи 12-17 даража илқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 4-6 даража, кундузи 14-16 даража илқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 245,1 ▼ -4,8	ЦЕМЕНТ (пц400 к220) 223,2 ▲ +3,2	АРМАТУРА 3598,8 ▲ +329,2	ШИФЕР (1 лист) 15308 ▼ -50	АЗОТ. ФОСФОР. ҲҒИТИ 370,1 ▲ +0,5	Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.
---------------------------------	----------------------------------	--------------------------	----------------------------	----------------------------------	--

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуқчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 48826 нусхада босилган. ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиш — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ҳақи — 20.50 Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5